



“ 29 ” *август* 20*20* у № *30*

**“Кичик корхона ва микрофирмалар танланма кузатувини
ташкил этиш ва ўтказиш бўйича услубий низом”ни
тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сон қарорига мувофиқ халқаро тажриба асосида кичик бизнес субъектлари танланма кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича услубий низомни такомиллаштириш мақсадида, Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. “Кичик бизнес субъектлари танланма кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича услубий низом” иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Давлат статистика қўмитасининг 2016 йил 20 июндаги 6-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Мазкур қарор 2021 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

Раис

Б. Бегалов